Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 1 сентябрь, чоршанба • № 106 (25.501).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент Ислом Каримовнинг Мустақиллик байрамининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи



Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало барчангизни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Аждодларимиз асрлар давомида орзу-умиди билан яшаган озодлик ва эркинлик даври халқимизга қанот бағишлади, унинг мудраб ётган салоҳияти ва куч-қудратини намоён этишга имкон берди.

Ҳеч шубҳасиз, шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихий бир масофани босиб ўтди.

Бунинг тасдиғи олдин ўзимизга тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган тараққиёт йўлида, ислоҳотлар йўлида, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Аввало юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чеҳрасини тобора очиб бораётган қурилишларда, кенг ва равон йўлларда;

иқтисодий ва ижтимоий ривожимизга улкан ҳисса қўшаётган янги-янги тармоқ ва иншоотларда, замонавий технологиялар билан қуролланган йирик корхоналарда;

халқаро майдонда мустақил Ўзбекистон қўяётган қадамларда, унга нисбатан ҳурмат ва эътибор ўсиб бораётганида бундай ўзгаришларни яққол кўриш мумкин.

Бизнинг юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонида қўяётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Айтинглар, ўзингизга бир тасаввур қилинглар, азиз юртдошларим, узоқ Америка заминида куни кеча эришган ютуғимиз — бир йўла икки ўзбек паҳлавони — Ўткир Ҳайдаров ва Маҳамматкодир Абдуллаевлар миллатимиз, халқимиз куч ва маҳоратини кўрсатиб, бокс бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганини бир неча йил олдин хаёлимизга келтириш ҳам қийин эди.

Амир Темур бобомизнинг чуқур маъно-мазмунли иборасини қўллаб: «Кимки бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлса, ўзбек паҳлавонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор берсин, англаб олсин", деб бугун баралла айтишимиз мумкин.

Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси — бу жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.

Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўяётган буюк халқмиз.

Ота-боболаримизнинг ҳаётбахш ўгитлари, умумбашарий андозалар, юксак маънавий руҳ асосида бирлашган, янги эзгу мақсадларга интилган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, аниқ ва равшан ислоҳотлар йўлидан бораётган халқмиз.

Бу — ҳақиқат. Бу ҳақиқатни хозиргача англамаган ёки англашни хоҳламайдиган, озодлигимизни, истиқлолимизни кўролмайдиган, ҳали-ҳануз хомхаёлда юрган баъзи бир ғанимларимиз эшитсин, қулоғига қуйиб олсин: Оллоҳ назари тушган эл-юртимизнинг олдинга юришига, тараққий топган, тўқ, эркин яшайдиган мамлакатлар қаторида тинч-тотув ҳаёт қуришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди.

Азиз юртдошларим!

Биз адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этишни ўзимизга олий мақсад қилиб белгилаб олдик.

Буюк орзуларга етиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишимизга тўғри келади.

Бундай мақсадларга етиш учун барчамиз бутун борлиғимизни, Оллоҳ берган ақл-заковатимизни, куч-қудратимизни давлатимиз, миллатимиз манфаати учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун сафарбар этишимиз керак.

Ҳар биримиз, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун, эл-юрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдаман, мустақиллигимизни мустаҳкам қилишга қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган туйғу билан яшашга эришмоғимиз даркор.

Авваламбор бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, умидимиз ва келажагимиз бўлмиш фарзандларимизни, ёш авлодимизни шу туйғу ва шу мақсад руҳида тарбиялашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Уларни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарварлар этиб вояга етказиш — барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг тараққий топган давлатлар, маърифатли дунё билан бирга яшашимиз, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини кучайтиришимизни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Биз барча мақсад ва ютуқларимизнинг замини бўлмиш юртимиздаги тинчлик, осойишталик, барқарорликни кўз қорачиғидай асрашимиз, уни ён-атрофдаги қўшниларимиз, узоқ-яқин биродарларимиз билан биргаликда янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Саккиз йиллик мустақил ҳаётимиз давомида кўп нарсага кўзимиз очилди, оқни қорадан, дўстни душмандан, муҳимни номуҳимдан ажратишга, кимга суяниш, нимага таяниш мумкинлигига ақлимиз етди.

Саккиз йиллик истиқлол йўли халқимизнинг иймонини янада бакувват, иродасини мустаҳкам қилди. Чеккан машаққатларимиз, қилган меҳнатларимиз ўз ижобий самарасини бера бошлади. Бу эса халқимизнинг танлаган йўлимиз тўғри эканига, эртанги кунимиз ёруғ бўлишига ишончни янада оширмоқда.

Азиз ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли ва қутлуғ дақиқаларда, шу юксак минбардан туриб, мустақиллигимиз ва ҳаётимиздаги янгиланиш ижодкори бўлмиш меҳнаткаш, бағри кенг, матонатли, ор-номусли халқимга таъзим қиламан.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор қутлайман!

Ватанимизни, халқимизни, барчангизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябрь — Мустақилликнинг саккиз йиллик байрами муносабати билан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан муборакбод этаман.

Америка Қўшма Штатлари тинчлик ва барқарорликни олға силжитиш, Ўзбекистонда очиқ, жўшқин ва бозорга йўналтирилган иқтисодиётни ўстириш ҳамда эркин, адолатли ва демократик жамиятни барпо этишга кўмаклашиш йўлидаги ҳаракатда Сиз билан ишлаш ғоясига содиқ бўлиб қолмоқда. 1999 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистон-АҚШ» қўшма комиссиясининг мажлиси ана шу мақсадларга эришиш йўлида мамлакатларимиз биргаликда ишлаётганлигининг яна бир намунаси бўлди. Шундай ҳамкорлик воситасида Ўзбекистон халқи порлоқ ва янада гуллаб-яшнайдиган истиқболга эришади, деб умид қиламиз.

Янги асрда икки томонлама жуда яхши муносабатларимиз давом эттирилиши ва мустаҳкамланишига ишонаман.

Самимий эҳтиром билан,

Уильям Жефферсон КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбекистон Республикаси халқини зўр мамнуният билан муборакбод этаман ҳамда барчангизга бундан буён ҳам равнақ ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор қиламан.

ЕЛИЗАВЕТА II,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни билан Сиз, Жаноби Олийларини ва ўзбек халқини самимий қутлайман.

Доимо инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, мамлакат равнақ топиши ва унда ҳақиқат ва бирдамлик гуллаб-яшнаши учун барча жабҳаларда ҳамкорлик қилишга асосланган жамият қуришда ҳамқўртларингизга биродарлик ҳислари ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига, сафдошларингизга ва бутун Ўзбекистон халқига худо ёр бўлсин!

Иоанн Павел II,
Рим папаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги кунининг муборак айёми муносабати билан Покистон халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига чин юракдан самимий табрикларимизни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Муҳаммад Рафиқ ТАРОР,
Покистон Ислом Республикасининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз Мустақиллиги кунининг қувончли муносабати билан Покистон ҳукумати ва халқи ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва биродар халқига энг самимий табрикларимни чин юракдан йўллашдан бағоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги илиқ ва дўстона муносабатлар ўзаро манфаатларимиз йўлида бундан буён ҳам ривожланиб бораверади, деб ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига, соғлиқ ва бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига бардавом тараққиёт ва фаровонлик истаб, энг самимий тилакларимизни йўллайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Муҳаммад Навоз ШАРИФ,
Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Шонли воқеа — Ўзбекистон давлатчилиги тикланишининг саккиз йиллиги муносабати билан ғоят самимий қутловларимни ҳамда чуқур эҳтиромим ва доимий дўстона туйғуларим изҳорини қабул қилгайсиз.

Мен шуни мамнуният билан қайд этаманки, кўп асрлик дўстлик ва қардошлик анъаналарига эга бўлган мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янада юқорироқ поғонага кўтарилди. Грузия Ўзбекистон тимсолида содиқ ва қудратли дўстга, ишончли шерик ва иттифоқчига эга бўлдики, унинг мададини ҳар бир ватандошим ҳис этиб турибди, икки томонлама асосда ҳам, шунингдек, жаҳоншумул халқаро лойиҳаларни амалга оширишда ҳам жўшқин ривожланиб бораётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳозирдаёқ ҳар икки давлатга талайгина наф келтирмоқда.

Сизга, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига янги ишларида чин қалбдан муваффақиятлар, бахт-саодат ва энг эзгу истакларимни тилаб қоламан.

Эҳтиром билан,

Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,
Грузия Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистоннинг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва қардош ўзбек халқини чин юракдан қутлайман.

Ишончим комилки, Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, халқларимизнинг анъанавий яхши, дўстона муносабатлари мамлакатларимизни равнақ топтириш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, бутун ўзбек халқига эса омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром билан,

Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Ҳайқирмаймиз, юракларда асраймиз Озодликни

Мустақиллик майдонидан репортаж

Субҳидамдаги диллашув

Тонг салқин келди. Кузак шамоли эсди. Ёмғирнинг, намгарчиликнинг ҳиди таралди. Ёқимли эди бу. Табиатнинг биз ҳис этишимиз, таърифлашга келганда, ҳа, энди буёғи куз, деб қўйишимиздан ўзга изоҳ топишимиз маҳол ҳолат оғушида азонлаб кўчага чиқдик.

Бугун катта халқнинг катта байрами. Лўнда қилиб айтсак, тушунчамиз бўйича Ўзбекистоннинг туғилган куни, миллатнинг уйғониш куни.

Нимадир дегимиз келяпти... Ватаннинг бир фарзанди қаторида юрагимизнинг зарбига айланган гапларни кимгадир айттимиз бор.

Биров барвақт ишга боряпти. Бировлар ухлаяпти. Лекин, бари-бир бугун отажак тонг қутлуғ бўлади. Чунки, бугун ўзбекнинг инсонлиги тан олинган кун!

Бугун мен ҳам одамман, мен ҳам тирикман, менинг ҳам орзуларим бор, ол зуғумингни, кўтар тақир-туқурингни, шунчалар эзилганим етар, бас, деган сўзларни юрагини тўлдириб айтган халқнинг тирилиш куни, тарихининг бурилиш куни.

Қуёш бобо гувоҳ, осмон гувоҳ, она замин гувоҳ Оллоҳ йўлимизни очган кун бугун!

Шундай кайфиятда, кўнгилда селдек тошган туйғуларни жиловлашнинг имкони бўлмади. Юртимизнинг юраги, ёруғ майдонимиз — Мустақиллик майдони.

Тонг чоғи. Ишонасизми, биродар, биз майдонда Озодликни кўрдик. Сўзимиз чин — дилдан истасангиз унинг чеҳрасини кўрасиз. У қуёшга ўхшайди, нурли. Аниқроқ айтсак, у меҳрибон ва мунис, ҳамма-ҳаммадан чиройли Онамизга ўхшайди, ўхшайди эмас, Онамиз тимсолида кўринади. Оғайнилар, озодлик бизга онамиз тимсолида кўринди. Тепамизда, осмондан боқиб турибди Озодлик. Ай, юрагимиздан бир гаплар ўтди. Айтар гапимиз тилимизники эмас дилимизники. Қадрдонлар, агар дилингиз хоҳласа қалб кўзи очиларкан, қалб кўзингиз билан Озодликни кўриб турарксиз. Онамиз Озодлик билан тонг чоғи шундай-шундай гаплар бўлди:

— Она, мен келдим.

— Кўряпман болам...

— Она, бу майдон бугун сизни улуғлайди, бу юрт сизни шарафлайди... Бугун шу ерда бўласизми?

— Мени кўрмоқ истаган фарзандларимнинг қалбидаман, болам!

— Она, мен сизни самодамас, қалбимда кўраяпманми?

— Озодликни эъзозлаганларнинг қалби осмон бўлади.

— Она, сиз ҳамиша ҳаммамизнинг, жамики ўзбекнинг юрагидамисиз?

— Ўзбекистон деб, Ватан деб қалққанларнинг бари мени кўриб туради, болам.

— Она, сўрар гапларимнинг ҳаммасини айтсам майлими?

— Айт, болам, айт.

— Сизни топганимга саккиз йил бўлди.

— Мени сен қадим-қадим замонлардан изладинг.

— Лекин, етишмоғим маҳол бўлди.

— Чунки сенинг қалбинг зулм чангалида эди.

— Менга Оллоҳ йўл берди, сизга етишдим.

— Оллоҳнинг иноятн чексиз, болам... Оллоҳга шукр қил! Жасурлик ва мардлик, ақл-идрок, иймон-эътиқод қалбида мужассам йўлбошчингни ардоқла.

— У киши бизни озод этди.

— Улуғлар арвоҳи қўллади у зотни. Зуғумлар, зулмлардан кўз ёши тўккан етимесирларнинг бахтига ёвузлик урчиган замонда ҳалокатга учраётган Халқни қутқариб қолди У.

— Она, У бизнинг суянчиғимиз...

— У зот менинг энг суюмли фарзандим.

— Она, энди биз сизни йўқотиб қўймаслигимиз учун нима қилмоғимиз керак?

— Элбошчини, йўлбошчини асранглар. Унинг ҳали орзулари бисёр. Бир жону бир тан бўлсангиз, мен Сиз билан.

— Она, мен илгарилари анча ёш бўлсамда ниманидир қўмсардим... Лекин тушунмасдим. Нега шундай бўлаётганини фаҳмига етмасдим. Момомнинг сумалагига тупроқ ташлаб, қозонини ағдариб кетган бир тўда олабўжи, қишлоқ тепасидаги мачитга бульдозер солдирган бадқовоқ амакилар, зиёратгоҳга бораётганимизда бир қишлоқ одамни йўлдан қайтарган пўримлар, саккиз ёшли фарзанди, яъни, мен билан тенгдош ўғли ўлган аммамга коммунист-бригадирсан, далага чиқ, йиғи-сиғинги қўй энди, деб пахтазорга эргаштириб кетган баджаҳл раис, азондан то кечгача пахта терган болалигим, далага туташ уйимиз устидан дори сепиб ўтгувчи самолётлар, эмизикли укамни уйда қолдириб, даладан бери келмайдиган онам, халқимизнинг номи совет, миллатимиз совет, Ватанимиз совет, ҳаммамизнинг отамиз Ленин, Кремлнинг юлдузи порлар кеча кундузи, деб кечган ўқувчилик даврим... Барибари энди билсам менинг болалигимга ўт қўйиб, ёқиб, кул қилган экан... Она, бу ҳолни Чингиз Айтматов деган ёзувчи манқуртлик деб тасвирлаган.

— Биламан, ҳамма ночар эди... Бир хилда ўйларди. Кўзи очиқларни эса... зулм чангали эзарди.

— Она, ўшандаям кўзи очиқлар бор эди-я?

— Ҳа... Қатағонда қурбон бўлганларнинг айби нега шундай, нега замон зулмкор, деган саволга жавоб излашганида. Шунинг учун уларни ўлдирдилар.

— Тошкентга келиб, Университетга ҳужжат топширдим. «Ариза варақаси» ўрисча эди. Қаеридадир хато қилибман. Қабул комиссиясидаги нозанин: «Тупоймисан, ўрисчани билмасанг Тошкентда нима бор. Кетмонингни судраб юрмайсанми, деревнья» деди. Кўзимдан ўтим чиқиб кетди. Бошқа варақа бермади. Мен эса бошқа институтга ҳужжат топширдим... Булар узоқ эмас, саксон бешинчи йилнинг гапи.

— Тилидан айрилганлар, динини сотиб ўзгалардан андоза олгувчилар замони эди, у замонлар болам.

— Она, Оллоҳга шукр, Сизга тасанно, Юртбошимизнинг боши тошдан бўлсин. Бугун иккинчи синфга қатнайдиган ўғлим ўрисчасига қўшиб инглизчасиниям қотиради. У гимназияга бораяпти. Илгарилари мамлакат катта — бутун СССР дейишарди... бизнинг болаликнинг тенг ярми

(Давоми 2-бетда)

Бағри осмон, ўйи ойдин авлод

Мактаб қучоғига бориб, руҳиятини ҳурлик ва озодлик сабоғи билан мунаввар этажак ўғил-қизларимизга сўз

Исмингиз Алишерми, Бобурми, Нодирами, Темурми, Жалолиддинми, Камолиддинми, Жавоҳирми, Шаҳломи... Сиз озодлик фарзандларисиз... Ҳур ва эркин келажаксиз. Муҳими, сиз озод юртда туғилгансиз. Бу гапнинг моҳияти, таг-замиридаги маъно катта-катта китобларга, достонларга юк бўлади. Озодликда туғилган Озод Инсон! Маънавиятни қуёш деб билган халқлар юрагини тўлқинлантирган, тилига олов бўлган, қуйлатган, шеъриятини, санъатини юксакларга олиб чиққан, алалоқибат бани-башар тан олган, таъзим қилган нурли саодат бу — Озодлик! Озод Инсон. Бу бахтга Сиз эришдингиз. Тақдирамолингизда ҳурлик сари юз буриш битилган экан. Пешонаси ярқираган авлодсиз.

Бу улуғ кунга эришмоқни тилга олиш, қуйламоқ уёқда турсин, ҳатто орзу этмоқ, шу кунни истамоқ, англамоқ мумкин эмас эди. Орзу қилганлар отилар эдилар. Миллатимнинг саодатини кўрай деганлар хонавайрон қилинар эдилар. Ўз киндик қони томган ота остонадан, она тупроқдан қувилар эдилар. Сиз боболарингиздан эшитгансиз, (балки, уларнинг баъзилари шундай азобга дучор бўлишгандир) миллатнинг эр-йигитлари — мен ўз халқимнинг озодлигини соғиндим деган Қодирий бобомиз, Усмон Носир бобомиз, Чўлпон бобомиз, Элбек бобомиз... хуллас, кўзи очиқ улуғларимиз нима сабабдан қурбон бўлдилар? Истиқлол учун! О! Агар инсон фарзанди ўз ҳурлигини қумсаса уни ҳеч қандай куч тўхтата олмайди.

Азиз ва бахтиёр болажонларимиз! Сизнинг булоқ сувидек тоза ва зилол шуурингизга эрк сабоғи битилмоқда бугун. Ватан сизники. Ўзбекистон Сизники. Эртамиз Сизники. Шу лаҳзанинг ўзида қўл чўзсангиз дастингиз океан ортидан ошади. Нигоҳ ташласангиз кенг дунёни қалбингизга жо этасиз. Чунки, Сиз тутқунликда, қулликда, мутеликда эмас, Истиқлол тантана қилган лаҳзаларда туғилдингиз. Болажонлар, Сизнинг имкон ой қадар. Қуёш қадар. Самовот қадар. Сиз бугун Онажонимиз Ўзбекистон қисмати учун қайғурибгина қолмай, унинг ёруғ кунлари учун фидойилик кўрсатибгина қолмай, бани-башар осойишталиги, курраи-замичимиз тинчлиги учун кўксини қалқон қилиб чиқажак шиддатли бир тўлқинсиз. Зеро, Озодлик Фарзандлари бутун ер шарининг озодлиги ва тинчлиги учун масъулдирлар.

Бугун англаб етдик — Она-сайёрамизни қанчалик эҳтиёт қилмасак, унинг осудалиги учун бир сонияда бўлса-да бефарқ қарасак, тириклик илдизини қабоҳат болтасига топширган бўламиз. Ҳа, ер шари биз ўйлаганчалик катта эмас. Истасак, меҳр қўйсак, биз уни кафтимизда кўтариб юришимиз, ардоқлашимиз мумкин.

Азиз болажонлар! Бу гапларни айтишимдан мақсад, Озод Юрт Фарзандларининг қарашлари озодлик янглиғ кенг ва улуғвор келади.

Илкингизда ёвқур ва шижоатли, ҳурликталаб аждодлар қони оқмоқда. Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Қурбонжон Додхоҳ, Дукчи Эшон, Номоз Ботирлар... Эҳ-ҳе, бу буюк зотларнинг қай бирини айтайин. Уларнинг ягона шиори шу эди: Озодлик ё Ўлим! Улар ёвга тик борганликлари учун ҳам тилларда, дилларда достон. Тарихларни тилга киритди улар. Жасоратдан, матонатдан сўзлайдилар. Улар Озодликни ҳамма нарсадан азиз кўрдилар. Яъни, бугунни, Истиқлолни қўмсаб юрагида қону зардоб билан, лекин чин қаҳрамон бўлиб, инсон бўлиб, халқ бўлиб, Ватан бўлиб яшадилар.

Ишондилар... Қачондир бу юрт озод бўлади. Бу юртнинг ботирлари ўлмаган ҳали. Бу ватаннинг азиз фарзанди бир куни ўз элини ҳурлик нури сари бошлайди. Ўз халқини озод этади.

Ҳа, уларнинг орзулари ижобат бўлди. Аждодларнинг руҳи шод. Асрий истибдод занжирини чилпарчин этган Инсон ўз миллатининг шон-шавкатига айланди, олқишларга кўмилди. У Озодлик йўлида Йўлбошчилик қилди — Халқ қуллиқдан қутилди.

Ўзбекистон тарихининг нурли саҳифалари очилди. Жаҳон кўз ўнгида Ўзбек озод бўлди, янги, мустақил давлат дунёга келди. Халқини озоду-шод этган Инсон ўз юртининг овозасини етти иқлимга ёйди. Ва, Сиз суйган фарзандлар келажагини чароғон этди.

Қулликнинг не эканлигини сизга тарих сўзлайди. Ҳали беғубор тафаккурингиз ўтмишнинг суронли кунларини тасаввур этади.

Қуллик нима ўзи? Ўзни йўқотиш. Бир халқнинг ўз топганини ўзи емай, ўзи киймай, ўз фарзандларининг ризқини қийиб, неки бор ўзгаларга қўш-қўллаб топширишидир.

Озодлик — ўзликни топиш. Халқнинг бахтли-тахтли кунларда келажак ҳақида ёруғ ният билан эркин меҳнат қилувидир.

Қуллик — минг бор ишласада, бир халқнинг боқиманда деган тамға орттириши... Ўз зиёлиларини, илмли-билимли фарзандларини жаллод чангалига топширса-да, бош кўтаролмай, қон-зардоб ютиб йиғлаган халқ билади қулликни.

Озодлик — халқнинг парвози. Дунёга юз буриши.

Қуллик... 18-20 ёшида ўзга эл тупроғида бир миллатнинг гулдай фарзандлари қурбон бўлдилар. Ўққа учдилар. Афғон урушида ўлган ўғлонларни биласиз. Улар Сизнинг тоғангиз, амакингиз, акангиз, дадангиз эдилар. Уларнинг бошига қуллик етди. Истибдод ўлдирди уларни. Қуллик қалбини мажруҳ этган, дарё ортидан руҳан майиб бўлиб қайтган, эндигина ўттизни қоралаган амакиларингиз қалбига қулоқ тутинг, нигоҳига тик қаранг, улар қуллик нима эканлигини унсиз сўзлайдилар. «Тушда кечган умрлар», «Қонли йўргаклар», «Дарё ортидаги йиғи», «Қоронғу уй» китобларига бир разм солинг. Қулликнинг асорати — урушнинг жароҳати бор уларда.

Озодлик... Халқ ўз фарзандларини ўзга эл тупроғига жанг қилгани эмас, балки илм олгани, дунёни ўрганганн, замонни англамоғи учун жўнатмоқда. Яхши ниятимизга дунё эшиклари очиқ.

Қуллик... Баланд-баланд пахта хирмони уйиб, борини далага бериб, ўзи алалхусус, қамоқда қийноқ топган, «ўзбек иши» деган сафсата қурбонига айланиб, айбсиз айбдор бўлган боболарингиз.

Озодлик — ўз элида меҳнати қадрланган, ерга меҳр бериб, ердан юлдуз топган боболарингиз. Меҳнати сийланган, эъзозланган фидойилар кўзидаги қувонч ёши Озодлик.

Қуллик...«Алпомиш», «Ғўрўғли», «Қунтуғмиш» сингари достонлар, «Ўтган кунлар» каби романларнинг асл моҳиятини узун кечалари бобо-момоларингиз алланечук ҳадик билан сўзлаётгани сирини пайқамаган болаликдир.

Озодлик — барча-барча баҳодирлар шаънини баралла куйлаётган, улар билан юзма-юз келган беғуборлик!

Қуллик — бунча ўзбегингни мақтайсан, миллатчимисан, турмани соғиндингми, деган таъна-дашномдан юрак хасталиги орттириб, овворои сарсон бўлган, эл севган шоирнинг ботинидаги оғриқ.

Озодлик эл шоирининг дардига малҳам бўлди, кўнглини тоғдек кўтарди. Энди у эркин. Бор овозда куйлаяпти. Энди у Ўзбекистон Қаҳрамони. Энди уни ҳеч бир қўл бўғолмайди.

Озодлик — гўзал-гўзал шаҳарларда бунёд бўлаётган баланд-баланд иморатлар! Қудратли-қудратли завод-фабрикалар!

Озодлик — ерга эга бўлган асл деҳқоннинг тонг маҳал Оллоҳдан элга ризқ, Юртбошига узоқ умр, Юртга тинчлик сўраб қўл очган чоғда дилини мавжлантирган туйғуларнинг жилоси.

Озодлик — бу, Сизнинг кун келиб бутун дунёни кезиб, жаҳоний билимларни эгаллаб, Ватанга суянч бўлишингиз муқаррарлигига ишонган Ота-Онангизнинг дилини равшан этган эзгу Ишонч!

Озодлик бу, Сизнинг мана шу синфхонани ҳатлаган онингизда дунёга йўл солганингизни англамоқ бахтимиздир.

Бутун бир Халқни, Ватанни, ҳаммамизни шу қутлуғ саодат шод этмоқда.

Азим СУЮН

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Миллий байрам — Мустақиллик куни билан Сизни Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутлайман.

Юксак давлат лавозимидаги жўшқин фаолиятингиз, бой тажрибангиз ва сиёсий иродангиз туфайли Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий ўзгартиришлар йўлидан дадил олға бормоқда, ўз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамламоқда.

Қозоғистонда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда ва ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган яқин ва ўзаро фойдали ҳамкорлик халқларимизнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва омонлик, Ўзбекистон фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда янги-дан-янги муваффақиятлар тилайман.

Самимий эҳтиром билан,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан беларус халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ҳамда мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, бахт-саодат ва равнақ тилаб билдирган истакларимни йўллайман.

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги ишончли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз равнақи йўлида муваффақиятли ривожланиб боришига ишончим комил.

Эҳтиром билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимизни йўллаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга қизғин қутловларимни, шунингдек, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, ўзбек халқига омонлик, равнақ ва тинчлик тилаб билдирган самимий истакларимни йўллайман.

Яқин вақтлар ичида Тошкентда ўтказиладиган учрашув ва музокараларимизни ўзгача интиқлик билан кутмоқдаман ва аминманки, шу муносабат билан эришиладиган ахдлашувлар халқларимиз ва минтақаларимиз, тинчлик, барқарорлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида Руминия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Емил КОНСТАНТИНЕСКУ,
Руминия Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингизнинг давлат байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга самимий қутловларимни йўллайман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, комил ишонч билан айтаманки, бундай буён ҳам икки томонлама муносабатларда Словакия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги шериклик, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун кенг салоҳиятни мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлида ривожлантираверамиз.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Рудолф ШУСТЕР,
Словакия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан самимий қутловларимни ва барча эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Польша — Ўзбекистон дўстона муносабатлари давлатларимиз ва халқларимизнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил.

Камоли эҳтиром билан,

Александер КВАСЬНЕВСКИ,
Польша Республикаси Президенти

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, мамлакат ҳукумати ва халқини самимий табриклайман.

Келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида икки томоннинг мавжуд имкониятлари ишга солинганининг гувоҳи бўламиз, деб умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига саломатлик ва равнақ тилайман.

Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,
Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига катта мамнуният билан самимий тилакларимни йўллайман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ ва хотиржамлик тилаб йўллаётган табрикларимни қабул этгайсиз, биродар Ўзбекистон халқига эса доимий тинчлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилайман.

Шаҳобиддин АҲМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Дунёдаги барча динлар виждон поклиги, одамийлик ва меҳру саховатни тарғиб этади, яхши ниятларни тилаб, эзгу мақсадлар сари бошлайди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон ва диний эркинлик ҳақида алоҳида қайд этилган.

Сиз олиб бораётган доно ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда Тошкент вилоятининг турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари сифатида Ватан туйғуси, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ва садоқат, унинг мустақиллигини асраб-авайлашда яқдил эканлигимизни изҳор этмоқчимиз. Мана шу туйғу бизни Сиз бошқараётган буюк Ўзбекистон байроғи остида янада жипслаштиради.

Ҳа, биз турли миллат ва динга қарашлилигимиздан қатъий назар, Ўзбекистон фарзандимиз. Ўзбекистоннинг қувонч ва ташвишлари бизга бегона эмас, мамлакатимиз келажагига бефарқ эмасмиз. Чунки биз шу юртда ўсиб вояга етдик, шу халқдан меҳру оқибат кўрдик. Фурсатдан фойдаланиб, республикамизнинг 8 йиллик мустақиллик тўйи муносабати билан Сиздек юртпарвар ва элпарвар азиз инсонга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ғайрат ва шижоат тилаймиз.

А. ДУНГБОЕВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент вилоятидаги вакили.
Э. И. ЗАЙКОВ,
Ангрен шаҳридаги «Еттинчи кун адвентистлари» христиан черкови пастори.
Р. А. ЛИ,
Юқори Чирчиқ туманидаги «Евангел христиан баптистлари» черкови пастори.
В. М. БИРЮКОВ,
Олмалиқ шаҳридаги «Успения Божией Матери» православ черкови руҳонийси.

Ҳайқирмаймиз, юракларда асраймиз Озодликни

(Давоми. Боши 1-бетда)

пахта даласидан сабоқ олди. Бугун кўрсак, қишлоқ мактабига компьютер келди. Чўпон-чўлиқнинг ҳам, деҳқоннинг ҳам боласи хорижнинг зўр-зўр давлатларида ўқияпти. Оддий қишлоқ боласига Америкада ўқиш чўт эмас ҳозир.

— Ташаккур болам! Англадим.

— Она, мен сизни бундан анча йиллар олдин соғингандим.

— Биламан... Сени Афғон урушига ташлашди... Кейин тушуниб қолдинг. Нега бошқа элда жанг қиляпман, дединг. Нега бировларнинг юртига бостириб кирдим дединг. Замонни, тақдирни қарғадинг. Яраланиб ҳолсиз ётган чоғларингда урушга лаънатлар ўқидинг. Шунинг ўзи Озодликни, Ҳурликни қўмсаш эди.

— Онажон, тинчлик яхши-я! Тинчлик давлат-а! Илоҳо, тинчлигимизга кўз тегмасин. Халқимиз бошига мусибат тушмасин.

— Болам, Озодлик тинч ва осойишта кунлар туфайли мазмунлидир. Шу кунларни қадрламоқ мени, Озодликни асрамоқдир.

— Она, ўз ичимиздан чиққан илонлар тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлдилар. Бу жудаям қўрқинчли.

— Болам, улар менга ҳамла қилдилар. Озод халқнинг йўлбошчиси жонига қасд қилдилар. Уларнинг кўнгил кўзи сўқир. Улар менинг фарзандларим эмас. Агар бутун бир халқнинг кўнгил кўзи очиқ экан, ҳеч бир ёвуз куч енголмайди.

— Она, ўшанда, 16 февраль куни мен ўзим учунмас, кўпроқ шу тинч кунларни, Сизни йўқотиб қўйишдан қўрқдим. Фарзандларимиз келажагини ўйладим. Англадим. Ҳушёр бўлмоғимиз шарт экан.

— Болам, бирикинглар, жипслашинглар. Шундагина бахт-иқбол қуёши мангу нур сочади.

— Она, қаранг, қуёш чиқаяпти. Одамлар чеҳраси ёрқин. Қалби нурафшон. Байрам нафаси сезилаяпти...

— Қуллуқ болам! Бу қуёш Ўзбекистоннинг гўзал шаҳарлари, гўзал одамлари, улканулкан иншоотлари, нозунеъматга ғарқ қишлоқлари устидан ҳурлик нурини сочиб менинг саломимни етказаяпти.

— Она, Сиз доимо бошимиздасиз...»

— Ҳа, болам. Мен ҳар доим ва мангу Сизнинг бошингизда, қалбингизда, шуурингизда...

Қадрдонлар, элимиз тонгни қарши олди. Онамиз Озодлик бизга ўтли-ўтли сўзларни айтиб, кўнглимизни кўтарди. Биз унга содиқ фарзанд оқмоқда. Бу дарё азим. Бу дарё озодлик билан юзма-юз келмоқда бугун.

Қувватимиз, кучимиз – бирликда

Замондош тонгин саболарга юз чайдинг яна. Жисмижонингга хузурбахш салқинлик югурди муздек зилол сувдан. Тоғлар ортидан мўралаётган қуёшга илкис қарадинг, илоҳий сабо юзларингни, кўзларингни силади. Беихтиёр юрагингда бир туғён ургандек бўлди, ахир бу сабо мустақиллик шамоли-ку! Алвон-алвон гулларга буркангандек олам муаттар ҳид таратади. Онги-шуурингда уйғонаётган янгиланиш тозаришдан дарак бераяпти. Нигоҳингда жонланаётган борлиқ эса бунчалар беғуборлигини, жонбахшлигини гўё бугун ҳис қилаётгандексан. Замондош, озодлик барибир гўзал-да!

Нур таралаётган чеҳаларга боқиб хаёлимдан шундай ўйлар кечади: Биз ким мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз!

Улуғ ғоялар улуғ миллатни яратади, Ватан бирлигини, тараққийпарварлигини таъминлайди. Имони бут одамларнинг ҳаётида ҳаракатлар ва ишлар ҳаётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмоқ эрсак, шу ватанни, келажакни асраган бўламиз. Озодлик ҳар биримизнинг қалбимизга куч, кўзимизга нур. Биз энди Онамизсиз яшай билмаймиз. Қадрдонлар Озодлик бизни фарзанд этди. Шунинг ўзи бахт. Шунинг ўзи тахт. Бугун улуғ кунда кўнглимиз туғёнини тоширган ўтлуғ-ўтлуғ туйғуларни Сиз азизлар билан баҳам кўрамиз. Одамлар дарёси оқмоқда. Шодлик бўлиб оқмоқда. Қувонч бўлиб ватан суяди. Миллатнинг қадрига етади. Қафас ичра гар қизил гул битса, булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш, деганларидек озодликнинг нурланган сувига юрагини чайиб олади имони бут одам.

Осмон узра ҳилпираётган байроғимизга боқ замондош! Яшариш, янгиланиш, оқлик, поклик, мовийлик, беғуборлик... Инсон камолоти барқ уради унда. Осойишта ҳаёт сини, фиғонким гардиши даврон айирди ўз диёримдан, дея нола чеккан боболаримизни. Биз ўтмишнинг аламли, армонли кунларини қанчалик чуқур англасак, мустақиллигимиз қадрига шунчалик теран етаверамиз. Мустақиллик майдонида кўкрагини кериб, танти юрган одамларни учратамиз. Ватан, юрт ўзингники бўлгандан кейин ғурурланишга ҳаққинг бор-да! Ўзининг бежирим, қоматига яраштган миллий либосларда, гулгун чеҳрасидан нур таратиб юрган ёш-ялангларни учратамиз. Озодликнинг тимсоли Ватан мустақиллигидан ташқари юракларнинг ҳам эркин парвозида мужассам. Муҳаббатга ошно кўнгиллар, севги уммонида чўмилаётган юраклар Озод юртга ярашади. Шулар қатори атрофга сезгирлик билан разм солаётган инсонларни-да учратасан. Февраль воқеалари, қўшни Қирғизистонда бўлаётган можаролар Озодликни сезгирлик билан қўриқлашга ундайди одамни.

Бу ерда ҳукумат раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикасидан ҳамда барча вилоятлардан келган, шунингдек, Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, фаоллар; Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари раҳбарлари, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари ва журналистлар ҳозир бўлишган.

Тантаналар бошланганидан дарак берувчи чорлов мусиқаси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келади. Шодиёна иштирокчилари Президентимизни олқишлар ила кутиб олади.

Юртбошимиз халқимизга табрик нутқ сўзлайди.

Қўшиқларда буюклик кашфиёти, даҳолик қудрати

Юракларга қувват бергувчи Озодлик тароналари янграй бошлади. Қўшиқ билан туғилган халқ, куй билан улғайган эл кўксида эзгулик гуллайди. **Серқуёш хур ўлкам элга бахт, нажот.** Нақадар топиб айтилган сўз! Шундай ўлкада туғилганингдан, тупроғингни жаннатмакон юртдан олинганлиги ўзи бахт эмасми?! Кўнгилдан бир шеър кўчади оқ варақка:

Саккиз давон, саккиз тоғ,
Саккиз чўққи, саккиз боғ,
Саккиз ёғинг нур чироғ,
Озод бўлдинг элима!
Қамарбаста елкадош,
Кўксингда порлар қуёш,
Йўлингга йўлим йўлдош,
Озод бўлдинг элима!
Меҳри дарё халқимсан,
Вулқон каби қалқибсан,
Замин узра балқибсан,
Озод бўлдинг элима!
Йўлинг ёритсин юлдуз,
Кечанг ҳам бўлди кундуз,
Юртлар ичра ёруғ юз
Озод бўлдинг элима!
Қаддингни тут эл кўрсин,
Келбатинг тоғни урсин,
Озодлигинг буюрсин,
Озод бўлдинг элима!

Қўшиқлар қўшиқларга уланади. Озодлигимизни етти қават фалакка етказувчи қўшиқлар. Улар гўдакдек поқиза. Баҳорги майсалардек беғубор. Булоқ сувларидек зилол Озодлик ҳақидаги қўшиқлар.

Кўнгиллар Аму ва Сирдарёлардек тоша бошлайди, негаки, Озодлик тантаналари янграйди, кўнгиллардан кўнгилларга кўчади. О, озодлик. Унда буюклик кашфиёти, даҳолик қудрати мужассам.



О, она халқим сен Озодликни бунчалар севасан!

Улуғ бобомиз Мете подшолик қилган даврларда юртга душман бостириб келади чегарагача. Жангга чорлайди. Улуғ бобомиз Мете тинчлик тарафдори эканлигини айтади. Бироқ душман чопқир, жанговар отини сўрайди. Мете беради. Яна душман Метенинг севимли хотинини сўрайди. Эл-улус ҳаққи рози бўлади Мете. Душман бир бўлак, ташландиқ ерини сўрайди. Мете: уруш муқаррар экан, энди урушамиз. Бу ер бизга ота-боболаримиздан мерос. Душманга беришга ҳаққимиз йўқ, дейди. О, она халқим, сен озодликни бунчалар севасан!

Аслида ҳайқирсак арзийди — Озодмиз, дея. Лекин ҳайқирмаймиз, юракларда асраймиз Озодликни. Ўзгаларнинг ҳасадини қўзғамасин, кўз тегмасин, деймиз Озодлигимизга! Етти ўйлаб бир кесиш бобо мерос бизга. Дунёни, унинг тало-тўпини ўйлайдида ўзбек. Бош майдонимизда шаҳдам одимлаётган оға-иниларимизга қаранг... Бундай оғир, босиқ халқ борми ер юзида? Уларнинг боқишларидан: қувонч ўткинчи, мустақиллик абадий, деган маъноні уқиш осон.

Юртим, сен Озодсан бахтимиз шунда. Фарзандларинг камол топаяпти бағрингда, дунё билан тиллашаяпти, дунёга танитаяпти Ўзбекистонни. Янада қувончлиси Озодлигимиз сабаб, тўйларга тўй уланаяпти ўзбек элида. «Шарқ тароналари» дунёни Ўзбекистонга боғлади. Санъатимизни танитди жаҳонга. Озодлик тантаналари эса жаҳоннинг манаман деган сиёсатдонларини ҳам бир лаҳза бўлсада Ўзбекистонга қарата олди. Юртим, сен Озодсан бахтимиз шунда! Сен заминдан фалак сари парвоз қилаётган хумо қушисан — ўз қанотларида дунё халқларига тинчлик элтаётган. Яхшиликни, эзгуликни икки тошнинг орасида ҳам асрайди Аллоҳ. Бизнинг йўлимиз ёруғ, ниятимиз қутлуғ, Истиқлолимиз, албатта, мангу бўлгуси!

Бош майдонимиз тантана иштирокчилари қувончига жўр бўлиб мушаклар камалагига бурканди. Шарқираб қўкка отилаётган мушаклар фавворасы ипга тизилгандек бир маромда Ватанимиз қудратини намойиш этарди Бош майдонимизда.

Норбобо ШАКАРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ,
Қўчқор НОРҚОБИЛ,
Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Ифтихор

Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Бу байрам барчамиз учун табаррук. Ўзгача кўрки, руҳияти бор истиқлол тантаналарининг. Уни улкан ютуқлар билан нишонлаймиз. Шаҳарларимиз қиёфаси ўзгарди. Одамларимизнинг дунёқарашида ўзгариш, онгу-шуурида янгиланиш мавжуд. Дунё бизни таниди. Ҳозир спортчилар билан учрашиб келяпман. Жаҳон чемпиони бўлган ўзбек йигитларини кўриб юрагимда ғурур юксалди. Шундай Ватанимиз, озод юртимиз борлигидан фахрландим. Мен ҳамиша истайманки, халқимиз кўкраги баланд бўлсин. Дунёда обрўйи ҳамиша ортиб юрсин. Ўзбекнинг номидан гапириш ҳар бир фуқарога ифтихор бахш этсин!

Маҳмуд Рўзиев, Бекобод шаҳар касалхонаси шифокори:

— Мустақиллик кундан-кунга ривож топиб бораётгани мамлакатимизнинг келажакда ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишига кафолатдир. Мустақиллик тантаналари бундан-да улуғ бўлишига ишонаман.

Лола Абдураҳмонова, Тошкент шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар корхонаси касаба уюшмаси раиси:

— Мустақиллигимиз аввало ўзлигимизни танитди. Ўзбек миллатининг қадриятини тиклади. Мана қаранг, бош майдонимиз шунчалик чиройли безатилганки, бахри-дилинг очилади.

Султонпошшо Ёқубова, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Ёшлар радиоканали бош директори:

— Яқинда «Сименс» фирмаси билан шартнома тузиб Германиянинг «Фольксваген» автомобиль ишлаб чиқариш корхонасида жиҳозланган радиога хабар узатувчи ускуналарга эга автомашина сотиб олдик. Унинг қулайлиги шундаки, исталган жойдан тўғридан-тўғри ҳаво орқали ахборот узатиш имконига эга. 220 вольт энергия ўзида мавжуд. Электр токи етиб бормаган жойлардан ҳам ахборот узатаверамиз. Ҳозирча бир донаси тажриба учун келтирилди. Агар камчиликлари бўлса, ўрганиб яна бир донасига буюртма бермоқчимиз. Ахборот олинаётган жойдан сигнал коди орқали радио уйига узатилади. У ердан республикамизга тарқалади.

Шу жойда ***Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Рўзиев*** суҳбатга қўшилди: — Мустақиллик майдонида бўлаётган воқеаларни пойтахт аҳли тўғридан-тўғри томоша қилсин деб Халқлар дўстлиги санъат саройи биноси олдига 4х4 ҳажмда улкан экран ўрнатилди. Ўзбекистон телевидениеси тарихида янгилик яратилди. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати. Ушбу ойнаи жаҳон орқали мустақиллик шодёналарини шаҳримизнинг гўзал, сўлим гўшаларида кутиб олишни истаган барча биродарларимиз томоша қилишлари мумкин.

Мирзо Азизов, Муқимий номли мусиқий театр актёри:

— Мустақилликнинг тўйида иштирок этаётганимдан бахтиёрман. Аввало, озодлигимизга кўз тегмасин. Каромат қилинган Ўзбекистон келажаги буюк давлат сўзлари ўз исботини топаётгани, халқимизнинг келажакка ишонч билан қадам ташлаётгани маълум. Яқинда республикадаги таниқли актёрлар билан бирга «Хотира блоки» театри саҳналаштирилди. Мен Жалолиддин Мангуберди ролида иштирок этаяпман. Ушбу тантанада ҳам шу образ талқинида саҳнага чиқаман. Илоҳо мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон беқиёс диёр экан,

— дейди биз билан суҳбатда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ҳайъат аъзоси, германиялик Улф БУЧЕЛД

Ўзбекнинг ўзига хос мусиқаси бор, жаҳонга кўз-кўз қилишга арзийдиган халқона қўшиқлари бор. Гоҳ жўшқин, гоҳ маъноли, гоҳ жанговор жаранглайди ўзбек тароналари. Шу кунларда мамлакатимиз халқи «Шарқ тароналари» шукуҳи билан яшаяпти. Лапарлар, ўланлар, бахшиёналар миллатнинг узоқ ўтмиши борлигидан далолат. «Шарқ тароналари» мустақиллик шодиёналарига уланди. Эл-улусга дастурхон ёзиш, салобатли тўй қилиш ҳар қандай мамлакатга ҳам буюрилавермайди.

— Улф жаноблари, сиз ҳайъат аъзоси бўлдингиз, айтингчи, мусиқа фестивали сизда қандай таассурот қолдирди?

— Мен жуда кўп фестивалларда иштирок этганман. Бу галгиси фантастик фестиваль бўлди. Мен бунақасини кўрмагандим. Биласизми, кўп мамлакатларда одамлар билан суҳбатлашсам Германияда фестиваллар жуда яхши ташкил қилинади, қабилидаги гапларни эшитаман. Тўғриси, Ўзбекистонда зўр ташкил қилинар экан.

— Сиз Ўрта Осиё халқлари мусиқасидан хабардормидингиз, ё сиз учун янгилик бўлдими?

— «Шарқ тароналари» ҳақида эшитганимда кўнглимга бир фикр келди, яъни грек ва турк мусиқашунослигини чоғиштириб илмий мақола ёзган эдим, шуни жўнатсам қандай бўларкан деган. Илмий ишим маъкул келибди шекилли, ҳайъат аъзолигига мени ҳам сайлашди. Умуман Ўрта Осиё халқлари, айниқса Ўзбекистон фольклори билан яқиндан танишганимдан бахтиёрман. Сизлардаги халқ мусиқалари мафтункор экан. Германияда фольклор йўқ ҳисоби. Фақат Австрияга чегарадош Бавария шаҳрида герман фольклорининг баъзи жиҳатлари сақланиб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси илмий ходими Дилором Каромат билан ҳамкорлик қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. Агар бу ердан қадимда, оддий халқ яратган мусиқаларни илмий ўрганиб, Германияга олиб кетолсам, у ерда жуда кўп мухлисларга эга бўлишига ишончим комил.

— Ўзбекистон мустақиллиққа эришди. Биз дунё танидик, бизни дунё танимоқда. Бу мамлакат ҳақида сизда қандай фикр туғилди?

— Тўғрисини айтсам, хафа бўлмайсизми? Мен сизнинг мамлакатингиз ҳақида бошқача фикрда бўлган эканман. Энди фикрларим бутунлай ўзгарди. Ажойиб халқингиз бор экан — меҳмондўст, очиққўнгил. Барча учратганларимнинг юзларида самимият уфуриб турди. Шундай халқ билан яқиндан танишганимдан фахрланиб қўйдим. Битта армоним — Самарқанддан Регистон мажмуининг рангли тасвирини сотиб ололмадим. Вақтим етмади. Аммо Шарқ миниатюралари тасвирини олдим. Яна мен учун қувончлиси, менга зарбоп тўн кийдиришди, дўппи ҳам. Мен учун ҳам, оилам учун ҳам бу энг қимматли совға бўлди.

— Мана фестивалда ер юзининг турли бурчакларидан келган кўплаб давлат вакиллари иштирок этишди. Улф жаноблари айтингчи, сизга кўпроқ қайси миллатнинг мусиқаси ёкди?

— О-о, айтолмайман. Ахир барчаси ўзларининг энг сара мусиқаларини олиб келишган эди. Халқ мусиқасининг ёмони бўлмайди.

— Ғолиблар ҳақида нима дея оласиз?

— Ғолибларни ҳам алоҳида таъкидламоқчи эмасман. Қатнашганларнинг барчаси ғолиб бўлди десам хато бўлмас.

Юсуф ХУДОЙҚУЛОВ
суҳбатлашди.

Қуёшларга бурканган замин

Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев билан суҳбат

— Ҳурматли Жўра ака, мустақиллик кунида дилингиздан қандай ўйлар кечяпти?

— Истиқлол — энг азиз, энг улуғ байрам. Бу қутлуғ куннинг насиб этганига шукр.

70-йиллар бўлса керак, ўшанда мактабда оддий ўқитувчи бўлиб ишлардим. Бир куни онам:— «Болам, Шероботдаги «Сулаймон ота» зиёратгоҳига мени бир олиб боргин» деб кўп қистадилар. Аммо у пайтлар зиёратгоҳ жойларга зиёли одамларнинг бориши «мумкин эмас» эди. Қоронғуда йўлга тушдик. Жарқўрғондан Шерободга—зиёратгоҳга боргунча соат тўрт-тўрт яримлар бўлган экан. «Она, тезроқ бўлинг, кетайлик, бировярим келиб қолмасин», — дейман. Онам зиёрат қилиб бўлгунча, соат 5 дан ошди. Қайтаётган эдик, бирдан машина чироғи кўзимни қамаштирди. Оппоқ «Волга»дан бўйинбоғ таққан уч-тўрт киши тушишди. Танидим, собиқ обком вакиллари. Худди бир оғир гуноҳ иш қилгандай жойимда қотиб қолдим. Улардан бири мени ёнига чақириб, «Бу ерда нима қилиб юрибсан?», — деб дўқ қилди. Мен тўғрисини айтдим: «Шу... зиёратга...». Обком вакили менга бошдан оёқ разм солдида: «Ёш экансан, бўлмаса... қани тез кетларинг!»— деди.

Кўрдингизми, ўша пайтлар муқаддас зиёратгоҳларимизга бориш «айб» саналарди. Бугун ана шундай қутлуғ қадамжолар обод қилинди, улуғ боболаримиз руҳи шод бўлди. Биз маънан ҳам мустақил бўлдик. Қанчадан-қанча корхоналар, бинолар, йўллар қурилди. Энг муҳими, ватанимизни дунё билди. Юрак-юракдан ана шуларни ўйлар эканман, истиқлолимиз илоҳо мангу бўлсин дейман...

— Бундан икки ой бурун юртбошимизнинг Сурхондарёга қилган ташрифлари чоғида, вилоят фаоллари, меҳнаткашлари, ёшлари билан учрашиб, воҳада амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар жараёни билан танишдилар. Айтинг-чи, ана шу ташрифдан сўнг қандай ишлар амалга оширилди?

— Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Президентимизнинг ҳар галги ташрифлари воҳамиз аҳолисининг руҳиятини кўтаради. У кишининг туманларда бўлиши, ёшлар билан учрашиб уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишлари, меҳнаткашлар билан суҳбатлашиб, уларнинг турмуши, қандай яшаётганликлари, қандай меҳнат қилаётганликлари билан қизиқишлари — Сурхондарё халқининг кайфиятини тоғдай кўтаради. Қолаверса, ўзингизга маълум, вилоятимиз бир нечта қўшни давлатлар билан чегарадош ҳисобланади. Юртимиз посбонлари—чегара қўшинларининг аскарлари билан давлатимиз раҳбарининг учрашувлари ҳам ҳар гал унутилмас воқеа бўлади. Уларни муқаддас тупроғимизни янада сергак, ҳушёр қўриқлашга ундайди.

Президентимизнинг «Камолот» жамғармаси фаолиятидан қониқмаганлиги бизни ёшлар билан жиддий ишлаш, уларни янада қўллаб-қувватлашга даъват этди. Бундан ташқари, бу йил вилоятимизда ғаллачиликда йўл қўйилган камчиликларни бошқа такрорламаслик, айниқса ҳосилдор, сифатли ғалла уруғини экиш юзасидан йўл-йўриқлар бердилар. Вилоят ҳокимлиги шу асосда аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқди.

— 1998 йил ғалла экинида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш мумкин эмасмиди? 1999 йил вилоятда ғалла етиштириш режаси 60 фоизга ҳам етмай қолганини қандай изоҳлайсиз?

— Ғалла майдонларимизни шу йил февраль, март ойларида кўрган бўлсангиз, кўз қувонар эди. Агар «занг» деган бир офат ёғилмаганда, ғалла топшириш режаси ортиғи билан уддаланарди. Кексаларнинг айтишича, кейинги 100 йил ичида бундай касаллик бўлмаган экан. 96 минг гектар сувли майдонларимиздаги ғаллазорлар ёппасига касалликка чалинди. Қўрилган зарарни қоплаш учун 40 минг гектарга яқин ерга такрорий экинлар экилди.

Ўтган йили ғалла уруғи октябрь ойида тўлиқ экиб бўлинган эди. Аммо Сурхондарё иқлим шароитида сентябрь-октябрь ойида ерга ғалла уруғи экиш ўзини оқламади. Бу бир катта сабоқ бўлди. Энди ғаллани ноябрь-декабрь ойларида экамиз. Энг муҳими, Денов туманидаги С.Раҳимов номли жамоа хўжалигида «Купава», «Улуғбек-600» каби серҳосил янги буғдой уруғлари экилиб, синаб кўрилди. Юқори ҳосил олинди. Келгуси йил ҳосили учун ана шу уруғларни экишни мўлжаллаяпмиз.

— Жўра ака, Сурхондарё—Алпомишлар юрти. Инчинун, «Алпомиш» достони яратилганлигини тантанавор нишонлаш арафасидамиз. Ана шу қутлуғ тўйга қандай ҳозирлик кўрилаяпти?

— «Алпомиш» достони — бу бизнинг ўтмишимиз, бугунимиз, эртамиз. Энг катта маънавий бойлигимиз. Ҳукуматимизнинг махсус қарори бежиз эълон қилинмади. Термиз шаҳрида улкан қурилиш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ана шу тўй баҳона «Алпомиш боғи» бунёд этиляпти. Унда қишки ва ёзги теннис ҳамда бошқа спорт иншоотлари, турфа фавворалар, бассейн-сув ҳавзаси, очиқ томоша хиёбонлари, яъни 2,5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр каби иншоотлар битказилиш арафасида турибди. Мана, кунигеча Термиз шаҳрининг «Оймомо» боғида янги «Қушлар боғи» ишга тушди. Очиғи, бу боққа кирган одамнинг чиққиси келмайди. 28 хилдан ошиқ турли қушлар мавжуд. Улар бу ерда эркин парвоз қилишади, яшашади.

— Вилоятимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришилган ютуқларни санасак, бармоқларимиз етмайди. Лекин... бу борада кўнгил тўлмайдиган жиҳатлар ҳам оз эмас. Айнан шу ҳақдаги фикрларингизни ҳам билмоқчи эдик?

— Иқтисодий ислоҳотлар жараёни албатта изланишни, ташаббускорлик ва ишбилармонликни талаб қилади. Чиндан бу борада вилоятда амалга оширилган ютуқларимиз жуда кўп. Мулкдорлар синфини шакллантириш, давлат мулкини хусусийлаштириш, янги замонавий технологияларни вилоятга олиб келиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби. Бугунги кунда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 3500 та кичик корхона, 5000 дан зиёд хусусий мулкчилик субъектлари, 2400 дан кўпроқ деҳқон-фермер хўжаликларига имкон қадар кўмак бериляпти. Вилоятдаги 304 та ҳиссадорлик жамиятлари чиқарган акциялар қимматини ошириш учун ҳаракат қилиняпти. Сўнгги иккиуч йил ичида вилоят «Бизнес-Фонд» жамғармаси орқали 150 дан зиёд лойиҳалар учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Айни пайтда хорижий сармоя учун вилоятдан «Ўзинвестлойиҳа» компаниясига тақдим этилган 26 лойиҳадан 10 таси ижобий баҳо олди. Бу рақам вилоятимизда ҳар қандай чет эл компаниялари, фирмалар билан ҳамкорлик қилишга қодир тадбиркорлар борлигидан далолат бериб турибди.

— Маънавият бўлмаган жойда юксалиш бўлмайди. Эзгулик бўлмайди. Яқинда бир раҳбар «халқни маънавият эмас, пахта, ғалла боқади» — деб қолди...

— У қайси раҳбар бўлса ҳам, ўзининг кимлигини, қандай савияда эканлигини билдирибди, холос. Ахир, маънавиятсиз келажак йўқ. Қаердаки, маънавият ва маърифат юксак бўлса, илм-фан ривож топса, ўша ерда ободлик, ривожланиш бўлади. Шундай экан, маънавиятга эътиборсиз раҳбарлар узоққа боролмаслиги аниқ.

— Сиз шаҳар ва туман ҳокимларини қандай танлаш керак деб ўйлайсиз?

— Шаҳар ва туман ҳокимлари бошқарувнинг масъулиятли бўғинини ташкил қилади. Бу лавозимга бирон бир соҳани чуқур биладиган ва шу соҳа туфайли обрў топган одам эмас, балки умуман ҳаётни чуқур англайдиган, узоқни кўра биладиган, халқ учун ёниб куядиган, маърифатли ва ўта ишбилармон, қобилиятли инсонлар тайинланиши керак, деб ўйлайман.

— Бугунги Сурхон ёшлари ҳақида фикрингиз қандай?

— Вилоятимизда 775 та мактаб бор. Ана шу мактабларда 433 минг нафар фарзандларимиз ўқишади. Бу йил 11- синфни 46 минг нафар ўғил-қиз битирди. Уларга одамнинг ҳаваси келади. Чунки шундай зукко, билимли, иқтидорли фарзандларимиз борки, қойил қоласан. Албатта, эртанги кунимиз шуларники. Ҳозирги пайтда вилоятимиздан 16 нафар бола дунёнинг энг ривожланган давлатларида ўқишаяпти. Бироқ, шоли қурмаксиз бўлмаганидек, тарбияси бўш ёшлар ҳам йўқ эмас. Мана, 16 февралдаги Тошкентда юз берган воқеаларда Сурхондарёлик Абдуллаев кабиларнинг бўлиши биз учун жуда уятлидир. Умуман, онги бўш, тарбияси ҳаминқадар бўлган ёшлар ана шундай нотўғри йўлга кириб кетиши мумкин.

— Жўра ака, ўзингизга маълум бу йил сайловлар йили. Бунда сиёсий партияларнинг фаоллиги кўп нарсани белгилайди. Шундай эмасми?

— Ишонаманки, бу йилги сайловлар олдингисидан фарқ қилади. Чунки мамлакатимизда сиёсий партиялар сони ошган. Лекин бир нарсани алоҳида айтишим керак, ҳар қандай партия, сиёсий ҳаракат олдида битта йўл, битта мақсад бўлиши лозим: сайланадиган депутат— фақат 5 йил депутат бўлиш учун эмас, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётини ўстириш, демократик давлат барпо қилишда жонбоз ва жонкуяр одам бўлиши лозим. Мана яқинда республика Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида»ги ва «Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида»ги қарор эълон қилинди.

— Жўра ака, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Матбуоти халқимизнинг кўзи, юзи. Матбуот бўлмаса ҳаммаёқ қоронғу бўлади. Вилоятимизда яқин йилларгача газеталар жуда сифатсиз, эски асбоб-ускуналарда босилар эди. Мана, бир-икки йилдан буён газеталар матнини териш ва саҳифалашнинг компьютер тизимига ўтилганлиги натижасида сифати ошди. Ўйлайманки, бу йил ҳам матбуот нашрларига обуна бўлишда вилоятимиз аҳолиси яхши кўрсаткичларга эришади. Ҳаққоний, адолатли фикрларни илгари суришда, мамлакатимизда ва бутун дунёда юз бераётган энг муҳим, энг қайноқ хабарларни халқимизга етказишда, турмушимиздаги энг оғриқли муаммоларни дадил кўтариб чиқишда «Тўртинчи ҳокимият» вакилларига омад тилайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Абдурасул ЖУМАҚУЛ суҳбатлашди.

Ҳунарманднинг совғаси

Маҳмуджон ака Жўраев Наманганнинг қўли гул, ном чиқарган ҳунармандларидан.

Истиқлол байрами арафаси Маҳмуджон ака ўғиллари Соҳибжон, Комилжон ва шогирдлари билан наманганлик ҳунармандларнинг эҳтиромли сифатида Президентимизга атаб махсус сўри тайёрлади. Қадимий Шарқ миллий ёғоч ўймакорлиги анъаналари асосида тайёрланган сўрининг бежирим, замонавий ижродаги хонтахтаси ҳам бор.

Устанинг байрам совғасига жавобан Президентимиз ҳунармандни йўқладилар. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов юртбошимиз номидан зарбоп чопонни Маҳмуджон акага кийгазди, совғаларини топширди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Янги билим маскани

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Истиқлол байрамига тўёналар ҳозирланаяпти. Сариосиё туманида ҳам улуғ айём арафасида 450 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар лицей қурилиб, ишга туширилди. Мазкур илм даргоҳини бунёд этишга 128 миллион сўм маблағ сарфланди.

Миллий меъморчилик анъаналарида қурилган янги лицей биносини «Тўпаланг» қурилиш-монтаж бошқармасининг 4-кўчма жамланма жамоаси амалга оширдилар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Савдо марказида портлаш

Яман пойтахти Сана шаҳридаги «Сити-сентер» савдо маркази кучли бомба портлашидан ларзага келди. Портлаш содир этилган жой Буюк Британиянинг Ямандаги элчихонаси биносидан 300 метрча нарида содир бўлган. Маълумотларга қараганда, портлаш натижасида ўнга яқин киши ҳалок бўлган.

Қоҳира радиосининг маълум қилишича, бомба портлаган мавзеда Буюк Британия, Ливия, Жазоир, Тунис элчихоналари ҳамда бир қанча ҳукумат муассасалари жойлашган. Шу куни Аден шаҳри аэропорти ҳамда Яман хавфсизлик хизмати биносида ҳам портлаш содир этилди.



Маҳбуслар озод қилинади

Туркия парламенти маҳбусларга умумий афв бериш ҳақида қонун қабул қилди. Унга биноан мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган 69 минг маҳбуснинг 26,5 минг нафари озод қилинади.

Бироқ умумий афв тинч аҳоли ва ҳарбий хизматчиларга қарши террорчилик ҳаракатлари амалга оширган Курд ишчи партияси раҳбарлари ва жангариларига нисбатан қўлланилмайди. Аммо, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилганларнинг ҳам муддати 24 йилга қисқартирилади.

Қонун мамлакат президенти Сулаймон Демирэл томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Нефть баҳоси барқарорлашадими?

Буюк Британия нефть биржасида бир баррел нефть баҳоси 2,5 фоизга ошиб, 20,76 долларни ташкил этди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин орада нефть нархи яна ўзгаради. Чунки, шанба куни нефть экспорти бўйича етакчи давлатлар — Мексика, Венесуэла ва Саудия Арабистони энергетика вазирларининг музокаралари бўлиб ўтади.

Агар ушбу давлатлар 2000 йилнинг март ойигача нефть сотиш бўйича белгиланган миқдорларга амал қилса, нефть баҳоси барқарор туриши мумкин, дейиладиу шу мавзудаги хабарда.

Сифатли маҳсулот — харидоргирдир

Бугунги кунда Россия бозорларида Қирғизистонда ишлаб чиқарилган электр чироқларига талаб ошиб бормоқда, деб хабар беради "КАБАР" ахборот агентлиги. Бунга асосий сабаб шуки, Қирғизистоннинг Мойлисув заводида ишлаб чиқарилаётган электр маҳсулотларининг бошқа мамлакат товарларига қараганда арзонлиги ҳамда сифати ҳам ёмон эмаслигидир.

Айниқса, автомобиль чироқларининг бозори кунданкун чаққонлашмоқда. Яқинда завод маъмурияти бир нечта хорижий автомобиль компаниялари билан чироқ етказиб бериш бўйича ҳужжатлар имзолади.

«ДАР АЛ-САЛАМ ГРУПП»
«DAR AL-SALAM GROUP»
«ДАР АЛ-САЛАМ ГРУПП»

Бизнинг қалбимиз қандай ҳис-ҳаяжон билан тўла эканлигини билмоқчи бўлсангиз газетанинг 4-саҳифасини очинг!

If you want to know what it contains, please, open the 4 page of the newspaper!

Если вы хотите узнать наши пожелания, откройте 4 страницу этой газеты!



«Роҳат»

акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимизнинг барча халқларини Мустақилликнинг

8 йиллиги

билан чин қалбдан муборакбод этади! Истиқлол йилларида ҳамма соҳада эришган ютуқларимиз асрларга татигуликдир.

«Роҳат» акциядорлик жамияти жамоаси қутлуғ шодиёнага атаб тайёрлаган лаззатли, ҳузурбахш ичимликлар дастурхонингизга тўкинлик бахш этади.

Она диёримиз халқларининг ҳар бир куни байрамдай бўлсин!

Дўстларда ҳайрат уйғотиб

Самарқанддаги А. Икромов номли Ўзбекистон халқлари санъати ва маданияти тарихи музейида Истиқлолнинг 8 йиллигига бағишланган қадимий шаҳар ижодкорлари қаламига мансуб асарлар кўргазмаси очилди. Бу ерга республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Эсон Муҳаммадиев, Аҳмад Шомуродов, Нуриддин Калонов, Моҳитоб Турдиева ва бошқаларнинг ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва халқ амалий санъати асарларидан намуналар қўйилган. Асарлар маърифат ва маънавиятга ошно қалбларда, муҳими «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали қатнашчилари — хорижий дўстларимизда ҳайрат уйғотмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Асака» банки

Ўзбекистоннинг барча аҳолиси ва меҳмонларини

ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ЧИН

кўнгилдан табриклайди!

Барчага тинчлик, омонлик ва бахт тилайди!

Тошкент ш., Нукус кўч., 67
Тел.: 120-81-11, 120-81-12
Факс - 54-06-59

Чумчуқ ва қарға

(Бўлган воқеа)

Ёз ойларининг бирида қовун, тарвуз пайкалларини кузатиб юрган эдим. Бирдан чумчуқни ола қарға роса чўқиб, азоб бера бошлади. Чумчуқ гоҳ баландга, гоҳ пастга ўзини олиб қочарди. Бироқ қарға унга яна етиб олиб чўқирди.. Ва ниҳоят чумчуқ қарға чангалидан қутулиб, учиб кетди. Қарға эса қовун полизида виқор билан гердайиб турарди. Чунки у чумчуқни бу ердан ҳайдаб юборган эди-да.

Вақт айни пешин бўлганлиги боис илиқ ҳаво эсарди.

Шу вақт бир тўда чумчуқ учиб келиб ҳалиги қарғани боши, кўзи, хуллас тўғри келган жойини чўқий бошлашди.

Қарға юқори кўтарилса ҳам, пастга шўнғиса ҳам унга чумчуқлар етиб олиб азоб берарди. Шу зайл 5-6 дақиқа чамаси ўтди. Қарға чумчуқлар чангалидан қутилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Чумчуқлар эса ўтлоққа қўниб чириқ-чириқ қилиб, қарғани ҳайдаб юборганликларидан мамнун эдилар. Бундай ҳолатни кузатиб туриб шундай хулоса қилдим:

«Қимки бировга чуқур қазиса ўзи йиқилгай», «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» мақоллари нақадар тўғри.

Ажабо, паррандалар ҳам ўзи макон қурган жойни бошқалардан қўриқлайди. Бир-бирлари билан бирикса, душман устидан ғолиб чиқишларини билади. Балки улар одамлардан ўргангандир ёки одамлар улардан ўргандимикин?

Жўра ҒОЙИБОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004. Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 4.14.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Тошкент архитектура - қурилиш институти қошидаги «Бизнес мактаби» 1999-2000 ўқув йилига танлов асосида

- **Дизайн ва реклама;**
- **Менежмент — бизнес бошқаруви;**
- **Банк иши;**
- **Бухгалтерия ҳисоби ва аудит**

мутахассисликлари бўйича 11-синфни битирган ёшларни кундузги бўлимга «Икки» йиллик ўқишга таклиф этади.

Ўқиш якуни бўйича таълимнинг тегишли даражасини белгиловчи давлат намунасидаги «Диплом» берилади. Дарсларни институт ва бошқа олий ўқув юртларининг профессор ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқаришдан таклиф этилган етакчи мутахассислар олиб борадилар.

Ўқув жараёнида мутахассислик фанлари билан хорижий тиллар ва компьютер кўникмаларини чуқур ўзлаштириш имкони яратилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- *Директор номига ариза*
- *11-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома*
- *3х4 ҳажмдаги 6 дона расм*
- *086/У русумли тиббий маълумотнома*
- *паспорт (қайтариб берилади)*

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.

Қабул 1999 йилнинг 10 сентябригача давом этади.

Абитуриентлар тест синови ва суҳбат натижалари бўйича қабул қилинадилар. Қабул қилинган талабалар ётоқхона билан таъминланадилар.

Манзилгоҳимиз:
Навоий кўчаси, 13, 2-бино (Архитектура факультети), 2-қават, 228-хона, тел: 41-13-62. Транспортлар: авт.: 28,18; Трол.: 4,20, Трам.: 8, 7,16. «Санъат саройи» бекати.

Тошкент автомобиль йўллари институти томонидан Астанов Алохиддин Қаршиевич номига 1985 йил 22 октябрда берилган № 093745 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Республика юристлар малакасини ошириш Маркази» жамоаси директор ўринбосари И. Ҳ. Мамановга волидаи муҳтарамаси

АНБАРХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими Яҳё Тўхтаевга падарибузруквори

Тўхтақори РИХСИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 7 сентябрь — сешанба куни чиқади